

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)  
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
  
**Мусахҳихлар:** Шералиева Ж.  
Мамаджонова М.

**Таҳририят манзили:**  
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,  
2021.

---

**У.Ҳамдамов**

Истиқпол даври ўзбек романлари рамз поэтикасига чизгилар (Аҳмад Аъзамнинг  
“Рӯё ёхуд Ғулистонга сафар” романи мисолида) ..... 198

**О.Холматов**

XX аср Ғарб прозасида “Йўқотилган авлод” муаммоси ..... 202

**Г.Ҳайдарова**

Собир Абдулла ижодида Алишер Навоий анъаналари ..... 205

**Ҳ.Рахматжонова**

Аваз Ўтар сатирасида тадрижийлик ..... 210

**Н.Мўминова**

Халқ инонч айтимлари хусусида ..... 213

**А.Муҳиддинов**

Тилнинг генетик ва ижтимоий негизли парадигмасининг транзитивлиги ..... 216

**Д.Юлдашева**

Болалар нутқида лакуна ва унинг ифодаланиши ..... 219

**Ҳ.Сотвалдиева**

Мақоллар ва уларнинг лингвистик хусусиятлари ..... 222

**Н.Ҳамраев**

Даврий нашрларда тил тараққиётига доир илмий ёндашувлар таҳлили ..... 225

**Ш.Асқарова**

Ўзбек-немис билингвизмидаги интерференция ҳодисалари ..... 228

**З.Тўйчиева**

Ўзбек тилида исм танлаш масалалари ..... 232

**Р.Ҳамдамов**

Интернет-маркетинг терминларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни ўзбек тилида  
ифодалаш муаммолари ..... 235

**Д.Истроилова**

Ноғилологик олий таълим муассасаларида талабаларни ўқитиш жараёнида  
маданиятлараро компетенцияни шакллантириш ..... 238

**Ф.Анварова**

Чет тили илк ўрганувчиларида юзага келадиган муаммоларни бартараф қилишда  
машқлардан фойдаланиш ..... 242

---

**ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ**

**Зулматда зиё излаган юксак салоҳият соҳиби** ..... 245

**Мукаррам инсон ёди** ..... 248

---

**БИБЛИОГРАФИЯ**

**Библиография** ..... 250

Ҳайдарова Гулҳаё Аҳмадалиевна<sup>1</sup>

**1Ҳайдарова Гулҳаё Аҳмадалиевна**

— Кўйкон давлат педагогика институти тадқиқотчиси.

**Аннотация**

Мақолада Собир Абдулланинг Алишер Навоий ғазалидан таъсирланиб ёзган татаббуъси, унда кўпланган образлар қиёсий тадқиқ қилинган. Айрим бадиий санъатларнинг кўпланилиши ва баъзи мисраларнинг ғазаллар маркибига киритилиши сабаблари ёритиб берилган.

**Annotation**

The article is a comparative study of Sabir Abdullah's *tatabbu'*(an arabian word, type of poem), inspired by Alisher Navoi's *ghazal*, and the images used in it. The reasons for the use of some of the arts and the inclusion of some verses in the *ghazals* are explained.

**Аннотация**

Статья представляет собой сравнительное исследование татаббуъ Сабира Абдуллы (арабское слово, разновидность стихотворения), вдохновленного газелью Алишера Навои, и использованных в ней образов. Объясняются причины использования некоторых художественных приемов и включения некоторых стихов в газели.

**Таянч сўз ва иборалар:**татаббуъ, анъана, поэтик образлар, табиб образи, таносуб, ташбех, муболага, қофия, ғазал маъзуси, адабий мактаб.

**Ключевые слова и выражения:** татаббуъ, традиция, поэтические образы, образ лекаря, таносуб, ташбех, рифма, тема газели, литературная школа.

**Keywords and expressions:** *tatabbu', tradition, poetic images, the image of the doctor(tabib), tanosub, tashbeh, rhyme, gazelle's theme, literary school.*

Ўзбек ғазалиётида Алишер Навоий анъанасини давом эттириб, унга муносаб издош бўлган ижодкорлар орасида Собир Абдулла алоҳида ажралиб турди. Чунки шоир Навоийнинг лирик асарларини синчиклаб ўргангани ва жуда кўп ўринларда ундан олган билимларидан ижодий фойдалангани маълум. Собир Абдулла ғазалиёти “мумтоз адабиётимиз билан замонавий адабиёт ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган” [11]. 1905-1972-йилларда яшаб ижод қилган шоир ўз ғазалларининг баъзиларида Навоий анъанасини давом эттиргани сезилса, айримларида унинг ўзига хослиги кўзга ташланиб турди.

XX асрга келиб, адабиётимиз тарихида арузга муносабат ўзгарган. Баъзилар ижоддаги камчиликни вазндан кўриб, арузни инкор этиб, поэзияда анъана ва новаторлик масалаларини нотўри талқин қилган вақтлар ҳам бўлган. Бу муаммолар Собир Абдулла учун ижоднинг бошидаёқ ҳал қилинган эди. Бутун ҳаёти давомида у ҳеч иккиланмай шу вазнда ижод қилган [6,5].

Маълумки, шарқ адабиётида татаббуъ жанри бўлиб, у “ижодкорнинг бирор шоирга эҳтиром белгиси сифатида ёки беллашиш, мусобақалашиш мақсадида унинг бирор асарига ёзилган жавоби. Жавоб ўша асар мавзуси, вазни, қофия тизими доирасида ёзилиши шарт бўлган” [10,253]. Бу жанр назира атамаси билан ҳам номланади. Шоир назира яратганда бирор асарга тақлид қилишдан қочади, аксинча, унга ижодий ёндашиб, асар мазмунини ривожлантиришга ва бадиийлигини оширишга интилади. Асар психологиясига ўзининг замонаси шароити, ижтимоий ва адабий муҳити руҳини киритишга ҳам ҳаракат қиласи. Адабиётимиз тарихига назар ташласак, татаббуънавислик анъанаси жуда кенг ривожланган бўлиб, улар исталган жанрда ёзилиши мумкин.

Собир Абдулла ижодида ҳам мумтоз адабиёт намояндалари асарларига ёзилган қатор назиралар бор. Улар орасида Навоий ғазалларига ёзилган татаббуълар алоҳида ажралиб турди. Алишер Навоийнинг “Чор девон”ида “Келур” радиофли ғазаллар талайгина. Худди шу радиофдаги ғазал Собир

Абдулла ижодида ҳам учрайди ҳамда тасвир, мавзу ва ғоя жиҳатидан Алишер Навоийнинг ғазалларига ҳамоҳангдир. Унинг тўрт жилдлик “Асарлар” тўпламига киритилган шеърлари орасида “Келур” радифли назира мавжуд. Мазкур ғазал

таҳлилида шу аён бўлдики, Собир Абдулла ҳазрат Навоийнинг “Келур” радифли барча ғазалларини ўрганган ва улардан завқланиб, ўзи ҳам ғойибона устозига эргашиб, қуидаги матлаъли ғазал ёзган:

*Мехрибон, жонпарварим, ёнимга жононим келур,  
Севгилим ҳолим сўраб, ёрий қадрдоним келур [7, 17].*

Ғазал аruz вазнининг рамали мусаммани маҳзуф баҳрида ёзилган бўлиб, анъанавий ишқ-муҳабbat мавзусини тараннум этади. Иzlанишимиз мобайнида Алишер Навоий ижодида “Келур” радифли ғазаллар сони учта эканлигини аниқладик. Улар қуидагилар:

*Жоним ороми учун қосидки жонондин келур,  
Гўйиё жонпарвар насиме оби ҳайвондин келур...[1, 132]  
Кеча ҳар кавкаб кўрунгач, ёдима ойим келур,  
Ой чу толеъ бўлди – меҳри оламоройим келур...[3, 129]  
Назарга қайси тарафдинки бир ғубор келур,  
Кўзум ёрур бу таманно билаки, ёр келур...[2, 258]*

Юқоридаги икки ғазалнинг вазни бир хил - рамали мусаммани маҳзуф. Учинчи ғазал эса ҳазажи мусаммани маҳзуф вазнида. Демак, Собир Абдулланинг Навоий анъанасини давом эттириши, дастлаб ўз татаббуъсининг вазнини юқоридаги икки ғазал вазни билан бир хил қилиб ёзганида намоён бўлди. Аммо шоир учинчи ғазални ҳам эътибордан четда қолдирмай, унинг

мавзу, ғоя ва мазмунидан илҳомланиб, ўз асарини янада такомиллаштирди. Салаф ва халафнинг ғазаллари ҳам анъанавий ишқ-муҳабbat мавзусида ёзилган бўлиб, уларда ёрнинг келиш жараёни акс эттирилган. Алишер Навоийнинг лирик қаҳрамони ёрнинг келишини унинг ғуборидан билади ва ўша ғуборгаёқ кўзи ёришиб кетади:

*Назарга қайси тарафдинки бир ғубор келур,  
Кўзум ёрур бу таманно билаки, ёр келур [2, 258].*

Собир Абдулла эса бу жараённи қуидагича тасвирилаган:  
*Мехрибон, жонпарварим, ёнимга жононим келур,  
Севгилим ҳолим сўраб, ёрий қадрдоним келур [7, 17].*

Кейинги байтларда тасвир янада қизиқарли тус олади: лирик қаҳрамон, яъни ошиқ – хаста. Хасталикка дори-дармон фақат ёрнинг келишидир. Бу лутфга ошиқ

биргина хаста жонни эмас, юз жони бўлса-да ҳаммасини қурбон қилмоқчи ва буни ҳам наздида оз деб ўйлайди:

*Айласам юз жонни қурбон оз эрур бир лутфига,  
Хастайдирманки гўё дори дармоним келур [7, 17].*

Мазкур байтда **хаста, дори-дармон ва жон** сўзлари ёрдамида таносуб санъати қўлланган ва у ошиқнинг хасталигини англатиш учун хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, **oshiq-xasta, ёр-xastaga дори**

сифатида ўхшатиш (ташбех) санъати ҳам ҳосил қилинган.

Навоийнинг лирик қаҳрамони эса кўчадан тўполон (шовқин)ни эшитиб, юраги дукиллайди ва дарров ўйлайдики, ул “нозанин савор” келмоқда:

*Чу кўчадин қулогум дубдурун эшитса кўнгул  
Дукулдар, уйлаки ул нозанин савор келур [4, 119].*

Навбатдаги байтда маъно янада кўчайтирилмоқда: ёр келди ва лаб очиб сўзлашни бошлади, ошиқнинг хаста жисмига гўё жон баҳш этди. Ёрнинг лаъл лабидаги бўса оби ҳайвон бўлиб келади:

*Лаб очиб сўз бошлаганда баҳш этиб жисмимга жон,  
Бўсаи лаъли лабидан оби ҳайвоним келур.  
Оҳ ким, гоҳ ваъда бергай, келмагай қон юттириб,  
Йўл кутардан... кўзларимдан ёш билан қоним... келур [7, 17].*

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

Кейинги байтда лирик қаҳрамон эй воҳ, ёр гоҳ ваъда беради-да, уни кутиб қанча қон ютсам-да келмайди, йўл кутиб ҳадеб қарайверганимдан нафақат ёш, ёшга қўшилиб қон ҳам келади, дея зорланмоқда. Байт таркибига муаллиф мумтоз адабиётда жуда кўп қўлланувчи муболага санъатининг ифроқ турини моҳирлик билан сингдириб юбориб, маънони янада кўчайтирган: ошиқ ёрнинг ваъда бериб, келмаслигидан нола чекмоқда. Унинг ҳолатидан англанишича, ёр кўп бора келаман деб ваъда берган, аммо ҳар гал ваъдасини бажармаган. Бу ҳолдан ошиқ “оҳ” чекмоқда ва хафалигидан кўзларидан ҳам ёш, ҳам қон оқмоқда. Мумтоз адабиётда, хусусан, Навоий

ижодида кўздан қон келишини “кўзум қони”, “қон ёшим”, “қон ийғламоқ”, “кўздин қон оқмоқ” каби шаклларда кўплаб учратиш мумкин. Собир Абдулла ҳам мазкур анъанани давом эттириб, ғазалнинг бадиийлигини, таъсирчанлигини ва унинг ғоявий қийматини оширишга эришган. Ғазалда тасвирланган лирик қаҳрамон – ошиқ ёрни жуда кўп кутганидан ёш билан бирга қоннинг чиқиши ўқувчининг янада таъсирланишига ва ижодкорнинг мақсадини теранроқ англашига ёрдам беради.

Алишер Навоий ғазаллари орасида табиб образи ҳам учрайдики, мазкур образ воситасида шоир маълум бир бадиий мақсадларни кўзлайди:

Дафъ ўлмиш эрди нўши лабингдин малолатим,  
Лутф айла, эй табибки, бемормен яна [1, 424].  
Будур уммидимки, ҳам ҳақ лутфи бўлғай дастгир,  
Набз туттмоқ майли қилма, эй табиб, илгинги йиғ [2, 219].  
Табибо, яна сабрдин дема сўз,  
Ки, бу шарбатингдин зарардур манга [3, 17].

Табиб истилоҳи луғатларда шифокор деган маънода келган. Бу истилоҳ ғазалларда образ сифатида ҳам қўлланилганда, асосан шифокор, дардни енгишга ёрдам берувчи шахс маъносида ишлатилади. Навоийнинг юқоридаги байтларида ҳам табиб шундай маънода ишлатилган. Собир Абдулланинг ўзига

хослиги шундаки, у табиб образини шифокор маъносидан ташқари, ёр маъносида ҳам ишлатиб кўрди ва бу муваффақиятли амалга ошгани ғазалнинг бугунги кунда ҳам севиб мутолаа қилинишидан кўриниб турибди. Шоир айрим ғазалларида табиб сўзини худди Навоийдек ўз маъносида ҳам ишлатган:

Солди ваҳм “ўт тушди жон-жисмингга” деб, нодон табиб,  
Шукрким, ишқ ўтидан ўзга шарора кўрмадим [5, 93].

Юқорида таҳлил қилаётганимиз ғазал давомидаги байтнинг биринчи мисрасида шоир ёрни ёр демасдан, “табибим” деб атамоқда:

Ҳасталик юзланди жонимга, табибим бехабар,  
Келса гар ҳозик табибим: жисм аро жоним келур [7, 17].

Ёрнинг ишқида ошиқка ҳасталик юзланди, унинг касаллигига фақат ёргина даво бўлиши мумкин. Демак, касалликни тузатувчи ёр бўлса, у табибдир. Бу оддий ташбеҳ бўлибгина қолмасдан истиора санъатини шакллантирган, кейинги мисрада эса истиора санъатини муаллиф янада кўчайтиришга эришган: **табибим-ҳозик табибим**. Табиб ҳам оддий табиб эмас,

ҳозик, яъни, моҳир, маҳоратли табиб. Бундан ташқари байтда ишлатилган **ҳасталик, табиб, жон, жисм, табиби ҳозик** каби бирликлардан таносуб санъати ҳам шаклланиб, у ошиқнинг аҳволини, ёрнинг бепарволигини ва хаста ошиқнинг дардига фақатгина ёрнинг келиши даво эканлигини таъкидлашга хизмат қилмоқда.

Андалибдирмен саҳарлар ғунчалаб ёди билан,  
Раҳм этиб ёнимга гоҳ ҳусни гулистоним келур [7, 17].

Байтда ғунчалаб – ғунча каби лабли ёр; ҳусни гулистон-гулзордаги барча гуллар ҳуснини жамлаган ҳусн эгаси, ёр; андалиб-булбулдек нола қилувчи ошиқ каби ифодалар истиора санъатини ҳосил қилишга хизмат қилмоқда. Мумтоз адабиётда жуда кенг қўлланилувчи булбул – ошиқ ва гул – ёр каби анъанавий тимсоллардан унумли

фойдаланиб, шоир ўзининг ғоявий мақсадини англатган ва ғазал бадиийлигини оширишга эришган.

Ғазалиётда ва умуман ўзбек шеъриятида ижодкорнинг салоҳияти унинг қофия қўллаш маҳоратидан ҳам сезилиши сир эмас. Шоир қўллаган қофиялар образлар қиёфасини, ғазалнинг мазмун-

моҳиятини очиш учун ва сўзлар оҳангдорлигини таъминлаш учун муҳим ҳисобланади. "...қофия шеърий асарларда ифодаланаётган ижтимоий-ахлоқий ғоялар, теран фалсафий мушоҳадаларни бадиий сўз воситасида жозибали ва таъсирчан акс эттиришнинг муҳим воситаларидан биридир. Ҳар қайси мисрадаги қофияда шоирнинг ғоявий-бадиий нияти ўз тажассумини топади" [9,195]. Навоийнинг юқорида таҳлил қилинган ғазалида ғубор, ёр, савор, бекарор, димор, рўзгор, қатор, шоҳвор сўзлари қофия сифатида қўлланилиб, қофиянинг равий иштирокига кўра турларидан мутлақ қофия, тузилишига кўра эса мурдаф қофия деб аталади.

Собир Абдулла татаббуъда қўллаган қофиялари қуидагилар: жононим, қадрроним, дармоним, оби ҳайвоним, қоним,

*Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим?!*

*Минг дарду балосин кўрмадим?! [3,307]*

Навоийнинг ушбу матлаъли ғазалида келтирилган гапларнинг деярли ярми риторик сўроқ гаплар бўлиб, шоир ўзига савол бериб, жавобини ҳам ўзи бермоқда. Ғазал фалсафий мавзуда ёзилган. Унинг лирик қаҳрамони – шоирнинг ўзи. Мазкур ғазал "Бадое ул-васат"дан ўрин олганига қараб, демак, у шоирнинг ўрта ёшида, тахминан, 40-50 ёшлари атрофида яратилган дейиш мумкин. Лирик қаҳрамон бу дунёда кимга меҳр кўрсатган бўлса, ундан

*Кўкка бўқдим, сен каби иссиқ ситора кўрмадим,*

*Ерда монанд ахтариб, қилдим назора, кўрмадим [5,93].*

Ғазал 1960 – йил шўро тузумининг айни гуллаб-яшнаган вақтида ёзилган. Бу даврда ёзилган барча асарларда замона, сиёсат мадҳ этилмаса, цензурага учраши муқаррар эди. Афтидан, шоир ғазалдаги қуидаги байтни атай киритганга ўхшайди:

*Шум рақиб тушмай изимдан, согали баҳтимга чанг,*

*Бу замонда ишқ аро бир баҳти қора кўрмадим [5,93].*

Фикримизга далил сифатида бир маълумотни келтирсак: адабиётшунос В.Қодировнинг "Хозирги замон ўзбек ғазаллари поэтикасининг айrim хусусиятлари" номли диссертациясида филология фанлари номзоди, Собир Абдулла ижоди бўйича тадқиқот олиб борган Малоҳат Абдураҳмонова билан бўлган суҳбати берилган. Суҳбат мазмунига кўра, М.Абдураҳмонова Собир Абдулланинг шахсан ўзи билан бир неча бор кўришишга мұяссыр бўлган. Шундай учрашувларнинг бирида шоир шўро давридаги ғазалга бўлган муносабатни гапириб берган: ҳамма матбуот органлари ғазал ва бошқа классик

жоним, гулистоним, оним. Мазкур қофиялар равийнинг иштирокига кўра мутлақ қофия, тузилишига кўра эса мурдаф қофиядир. Демак, шоир асарига қофия танлаётганда анъанани давом эттиришга, ғазалининг шаклий хусусиятларини адабий устозининг асарига ўхшатишга интилган. Лекин равийнинг иштирокига кўра мутлақ қофия туридан фойдалангани айнан тақордан қочганидан далолатдир.

Татаббуъ(назира)лар ҳақида изланишларимиз мобайнида Собир Абдулла ижодидаги қуидаги ғазал ҳам эътиборимизни жалб этди. Мазкур ғазал шоирнинг "Девон"и таркибиға киритилган бўлиб, вазни, ҳажми ва радифи билан Алишер Навоийнинг машҳур "Кўрмадим" радифли ғазалига эргашиб ёзилганга ўхшайди:

*вафоким, юз жафосин кўрмадим?!*

*Минг дарду балосин кўрмадим?! [3,307]*

фақат жафо, қийноқ ва жазо кўрганини қайта-қайта таъкидлайди. Ғазал мавзуси учун ўткинчи дунёдаги ишлардан келиб чиқкан шоирнинг хулосаси асос бўлган.

Собир Абдулланинг ғазали эса мавзу жиҳатидан адабий устозининг ғазалидан фарқ қиласи. Унинг ўзига хослиги шундаки, айнан фалсафий мавзуда ёзиб, кўр-кўрона эргашишдан қочиб, ишқий мавзуга мурожаат этди. Ғазалда тасвирланишича, ошиқ кўкда ҳам ерда ҳам ёрнинг ўхашини кўрмаган:

*Кўкка бўқдим, сен каби иссиқ ситора кўрмадим,*

*Ерда монанд ахтариб, қилдим назора, кўрмадим [5,93].*

Жанрларга чап кўз билан қарашар ва деярли босишимас эди. Собир Абдулланинг бир ғазалини ўқишиб, ҳамма баҳтга, ёрга етишган бизнинг даврда Собир Абдулла ёрига етишолмай қолибди, қийналибди, ким экан ўша жафокор маъшуқа, дея калтабинларча танқид қилишган [8]. Демак, шоир: "Бу замонда ишқ аро бир баҳти қора кўрмадим" деган мисрани ўз асарининг нашр этилиши учун атай киритган экан.

Ўзбек мумтоз адабиётида "Шубҳага солиш, адаштириш" каби маъноларни англатувчи, икки хил тушунчани ифодаловчи, шунингдек ҳақиқий ва мажозий маъноларга эга бўлган сўз ҳамда сўз

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

бирикмасини шеъриятда қўллаган ҳолда бир байтда икки хил маънони ифодалаш санъати сифатида ишлатилувчи ийҳом санъатини кўплаб шоирлар ўз тахаллуси ёрдамида ҳосил қилиб, яратган асарларининг бадиий қийматини ва таъсирчанилигини янада оширганлар. Мазкур бадиий санъат ғазалнинг мақтаъсида ҳам учрайди:

*Ихтиёрим олди Собир, ишқ мен бечорани,*

*Шеъримизнинг Шайхи - Мақсади дедим, Собир сени  
Бу ёмон маънода бўлмай, яхши бир маънода, Шайх [7, 10].*

Бу ўринда шайх истилоҳи ҳам диний унвон маъносини, ҳам шоирнинг замондоши шоир Мақсуд Шайхзода тахаллусига ишора маъносида келтирилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар қандай шоир Алишер Навоийдек буюк шахснинг адабий мактабида сабоқ олиб, унга фақат шунчаки эргашиб қўя қолиш билан кифояланмай, ўзи мустақил қадам босиб, бетакрор ўхшатиш-у янги поэтик образлар воситасида бетакрор асарлар яратса олсагина салафларга мос издош бўла олади. Шунинг учун ҳам Собир Абдулла

Курмагур кўнглимга ўз вақтида чора кўрмадим [5, 93].

Байтдаги “Собир” ҳам тахаллус маъносида, ҳам сабрли маъносида қўлланмоқда. Шоир нафақат ўз тахаллуси воситасида бу санъатни ҳосил этибина қолмасдан, замондош шоирлар тахаллуслари ёрдамида ҳам ийҳом санъатининг гўзал кўринишларини яратса олган. Мисол учун:

ўзининг кўплаб ғазалларида лирик қаҳрамони ички оламини, қалб туғёнларининг энг нозик томонларигача, бутун мураккаблиги билан очиб беришга интилади ва бунга эришади. Гарчи у ижтимоий таҳликали даврда ижод қилган бўлса ҳам, ғойибона устозининг анъаналарининг муносиб давомчиси сифатида, бугунги кун ўкувчиси учун ҳам бадиий топилмаларга бой ғазаллар ёзиди, бу жанрни кейинги авлодга етказиб беришда улкан хисса қўша олган.

### Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. III том. Фаройиб ус-сиғар. –Т.: Фан, 1988.
2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. IV том. Наводир уш-шабоб. –Т.: Фан, 1989.
3. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. V том. Бадоеъ ул-васат. –Т.: Фан, 1990.
4. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. VI том. Фавойид ул-кибар. –Т.: Фан, 1990.
5. Собир Абдулла. Девон. –Т.: Тошкент бадиий адабиёт, 1965.
6. Собир Абдулла. Асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. –Т.: Faфур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1975.
7. Собир Абдулла. Асарлар. Тўрт жилдлик. Иккинчи жилд. –Т.: Faфур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1976.
8. Қодиров В. Ҳозирги замон ўзбек ғазаллари поэтикасининг айрим хусусиятлари. Фил.фан.номз.дисс. –Т.: 1993
9. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. –Т.: Шарқ, 1999.
10. Салаев Ф., Қурбониёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. –Т.: Янги аср авлоди, 2010.
11. <https://ziyouz.uz>

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)